«ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚК (Кейинги ўринларда – Жамият)
Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши
1 - СОНЛИ БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

Йиғилиш ўтказилган жой: **Тошкент шахар, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 22-уй.**

Йиғилиш ўтказилган сана: **16.06.2025 й.**
Йиғилиш ўтказиш вақти: **10:00.**

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 58-моддасига кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият кузатув кенгашининг раиси Хамидов Б.С. раислик қилди.

Йиғилиш раиси томонидан йиғилиш котибини сайлаб олиш таклифи киритилди ва ушбу масала бўйича акциядорлар томонидан қўл кўтариб овоз берилди:

Йиғилиш котиби этиб - Эшжанов Жасурбек Шихназарович тайинлансин.

Ушбу қарор акциядорлар томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси Хамидов Б.С. йиғилишни очиқ деб эълон қилди ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни етказиш учун саноқ комиссияси вакили Мирзакулов Р.А.га сўз берди.

Саноқ комиссияси вакили Мирзакулов Р.А. қуйидагиларни маълум қилди:

Жамиятнинг жами жойлаштирилган овоз берувчи акциялар сони 45 375 000 (қирқ беш миллион уч юз етмиш беш минг) донани ташкил қилади. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугатилган вақтда 45 375 000 (қирқ беш миллион уч юз етмиш беш минг) дона жойлаштирилган овоз берувчи акциялар эгалари ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтди. Бу жами овоз берувчи акцияларнинг 100 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 68-моддаси ва жамият уставига асосан, агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Шунга кўра йиғилиш кворумга эга ва кун тартибидаги барча масалалар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Шундан сўнг йиғилиш раиси Хамидов Б.С. йиғилиш иштирокчиларига кун тартибини ўқиб эшиттирди.

КУН ТАРТИБИ:

8. «ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚКнинг Бош директорини сайлаш;

9. «ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚК Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

8. **Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича** йиғилиш раиси Хамидов Б.С. сўзга чиқиб, Жамият Бош директори билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати ушбу навбатдаги йиллик умумий йиғилишга қадар амал қилишини инобатга олган холда, "ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI" АЖ ҚК Бош директорини тайинлаш лозим эканлигини таъкидлади.

Шу муносабат билан Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунига кўра ижобий натижа билан чиққанлигини инобатга олиб, Жамият Бош директори этиб Мухитдинов Жамолиддин Зайниддиновични кейинги 3 (уч) йил муддатга тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини қайта тузишни таклиф этди.

Ушбу масала Жамият акциядорлари томонидан атрофлича муҳокама қилингач, йиғилиш раиси акциядорлардан овоз беришларини сўради.

9. **Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича** йиғилиш раиси Хамидов Б.С. сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 58-моддасига кўра, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини аъзоларини сайлаш тўғрисида масалани кўриб чиқиш лозим эканини қайд этди. Шунингдек, Акциядорлар умумий йиғилишининг 2022 йил 24 июндаги қарорига асосан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари 3 (уч) йил муддатга сайланганини маълум қилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, бугунги кунга келиб Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайланганига 3 (уч) йил бўлгани сабабли Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун қуйидаги номзодлар таклиф этилгани маълум қилинди:

1) Хамидов Бахтияр Султанович – амалдаги «ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚК кузатув кенгаши раиси;
2) Ротова Елена Сергеевна – амалдаги «ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚК кузатув кенгаши аъзоси;
3) Анаркулов Данияр Шамуратович – амалдаги «ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚК кузатув кенгаши аъзоси.

Кун тартибидаги барча масалалар муҳокамасидан сўнг, йиғилиш раиси Хамидов Б.С. акциядорлардан овоз бериш бюллетенларини саноқ комиссиясига топширишларини сўради ва кун тартибидаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисоблаб чиқилиши учун танаффус эълон қилди.

Танаффусдан сўнг саноқ комиссияси аъзоси Мирзакулов Р.А. овоз бериш натижаларини эълон қилди.

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ:

8. «ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚКнинг Бош директорини сайлаш;

Овозга қўйилган масала:

«ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚК Бош директори этиб Мухитдинов Жамолиддин Зайниддинович кейинги 3 (уч) йил муддатга тайинлансин ва у билан меҳнат шартномаси қайта тузилсин.

ЁҚЛАЙМАН – 45 375 000 та овоз (100%),
ҚАРШИМАН – 0 та овоз (0%),
БЕТАРАФМАН – 0 та овоз (0%).

9. «ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚК Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Кумулятив овоз бериш натижалари:

Хамидов Бахтияр Султанович – 45 375 000 та овоз;
Ротова Елена Сергеевна – 45 375 000 та овоз;
Анаркулов Данияр Шамуратович – 45 375 000 та овоз.

Овоз бериш натижалари эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси Хамидов Б.С., умумий йиғилиш якуни бўйича тегишли қарорлар қабул қилинганлигини маълум қилди.

Овоз бериш натижаларига кўра Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

8. Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича:

«ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚК Бош директори этиб Мухитдинов Жамолиддин Зайниддинович кейинги 3 (уч) йил муддатга тайинлансин ва у билан меҳнат шартномаси қайта тузилсин.

9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича:

«ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚКнинг Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда уч йил муддат якунига кўра йиллик умумий йиғилишгача сайлансин:

1) Хамидов Бахтияр Султанович;
2) Ротова Елена Сергеевна;
3) Анаркулов Данияр Шамуратович.

Ушбу билан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўз ишини якунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши баённомасидан кўчирма 2025 йил 16 июнь куни тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш котиби **Эшжанов Ж.Ш.**